



O'ZBEKISTON
REPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 8-aprel • Seshanba • 46 (27.851) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Амир Темур
ҳаётининг мазму-
ни, бетакрор фао-
лиятининг асосий
маъноси — Ватан
озодлиги, Ватанга
муҳаббат деган
олий қадриятлар-
дан иборатдир».

ТОШКЕНТГА ЭҲТИРОМ



Мамлакатимиз Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорини каттаю-кичик, барча юртдошларимиз ҳаяжон, қувонч ва ифтихор билан кутиб олишди.

2-бет

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм вилоятида ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида муайян ишлар бажарилаётгани таъкидланди. Хусусан, вилоятда қонунда белгиланган тартибда нотариат билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган 30 нафар нотариус фаолият кўрсатмоқда. Давлат нотариал идораларида 15 нафар нотариус ишламоқда.

Вилоятдаги ўн беш нафар

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан 63 та қўшимча иш жойи яратилган. Кейинги ўн йил давомида аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматлар ҳажми 260 фоиздан ошган.

Шу билан бирга, вилоятда «Нотариат тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасидаги айрим хато ва камчиликларга эътибор қаратилди. Жумладан, кейинги уч йил

давомида вилоятда фаолият кўрсатаётган нотариусларнинг учдан бир қисми нотариал ҳаракатларни амалга оширишда йўл қўйган қонунбузарликлар учун интизомий жавобгарликка тортилган. Нотариуслар амалиётида уларга мурожаат этган шахсларга қонун талабларини етарли даражада тушунтирмаслик ҳоллари учрайди. Бази нотариал идоралари талаблар даражада жиҳозланмаган.

Қўмита мажлисида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

(ЎЗА)

Фарғона шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида «Биз — бир жамоамиз!» акцияси бўлиб ўтди.

«Биз — бир жамоамиз»

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодларни кашф этиш ҳамда рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «Келажак овози», «Янги авлод» каби бир қатор кўрик-танловлар ташкил этилаётгани ҳам бунга яққол исботлаб турибди. Мазкур танловларда иштирок этаётганларнинг сонини Фарғона вилоятида ҳам йил сайин ортиб бораётир. Мазкур акцияда ҳам ёшлар фаолликларини яна бир бор намоёниш этишди.

Тадбир доирасида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими янги биносининг очилиш маросими ўтказилди. Фарғона давлат университети, политехника институти талабалари билан бўлиб ўтган учрашувлар ҳам гоят мароқли, кўтаринки руҳда кечди. Ёшлар фаоллигини оширишга доир лойиҳалар устида иш-лаш, етакчилик қобилиятини ривожлантириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўқув-семинарлар, интерфаол усулда машғулотлар ташкил қилинди.

Тадбир ёш хонандалар, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

ТАРИХ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Истиқлол йилларида миллий давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш ва ҳолисона тадқиқ этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида бобокалонимиз Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, ҳалқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири — Амир Темур ордени таъсис этилган. 1996 йилда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги ҳалқаро миқёсда нишонланган. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида бобокалонимизнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлагани, пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилгани ана шундай эзгу ишлардандир. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри марказидаги хиббон, шохқуча, метро бека-ти, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталади. Энг муҳими, Амир Темур сиймоси ҳалқимиз қалбидан янада мустаҳкам ўрин олди, миллий ифтихор, мустақиллик ва озодлигимиз рамзига айланди.

Темурийлар тарихи давлат музейи ўзининг улугворлиги, темурийлар салтанатининг мислсиз тарихий обидаларига монанд бетакрор меъморий ечими билан ҳамюртларимиз, ҳамкору дўстларимиз, хорижлик меҳмонлар эътиборини ўзига тортди келмоқда. Иллий гўмбаз, уни кўтариб турган ва куч-қудрат рамзи бўлган устунлар, бинонинг миллий меъморчилигимиз аъёналарига биноан ишланган тоқ ва равоқлари, олтин суви бериб зийнатланган нақшлар ҳар кандай кишини лол қолдиради.

Президентимиз Ислам Каримов 1996 йил 18 октябрда — мазкур музейнинг тантанали очилиш маросимида «Амир Темур хиббони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узуннинг ёқут кўзидир», дея таъкидлаган эди. Бундай таъриф нафақат ушбу бинонинг маҳобатига, айтиш чоғда унда сақланаётган ноёб осори-атикаларнинг моҳияти ва

аҳамиятига ҳам тааллуқлидир. Темурийлар тарихи давлат музейи Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи, ҳалқимизнинг бой моддий ва маънавий меросини асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказувчи, тарғиб қилувчи маънавий-маърифий ва илмий марказ ҳисобланади.

Ватанимизнинг XIV-XVI асрлар тарихини акс эттирувчи Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан олиб борилган ёзиқлар, нодир китоблар, тангалар, сопол ва мис буюмлар, қадимий қурол-аслаҳалар, миллий ҳунармандчилик ва ҳалқ амалий санъати намуналари музей фондининг асосий қисmini ташкил этади, — дейди Темурийлар тарихи давлат музейи директори-нинг ўринбосари Саодат Саид-хонова. — Музейимиз ташкил этилган пайтда унда 600 га яқин экспонат мавжуд эди. Ҳозирга келиб бу кўрсаткич қарийб 3000 га етди. Археология экспедициялари топилмалари, қўллаб-қўрдошларимиз томонидан тақдим этилган тарихий, маданий аҳамиятга эга буюмлар, чет элларга олиб кетилган маданий ёдгорликларни қайтариш борасидаги ишлар музейнинг тарихий ашё-лар билан боийишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ерда тарихий, маданий, маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бори-рилмоқда. Хусусан, «Темурийлар даври ренессанси» мавзудаги тадқиқот натижалари асосида «Темурийлар даври маданий ёдгорликлари», «Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» тўпламлари нашр этилди.

«Шохруҳия қалъа шаҳри — Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги» мавзудаги амалий тадқиқотда Тошкент вилоятининг Оқўрғон тумани ҳудудида жойлашган

XIV аср ёдгорлиги — Шохруҳия қалъаси қолдиқлари ўрганилди. Қазималар натижасида қўллаб-қўрдошчилик, мисгарлик, шиша-созлик ашёлари топилди. Улар темурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Ўтган вақт мобайнида музейда «Амир Темур ва темурийлар даврига оид китоблар», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур — Клавихо — Самарқанд», «Шохруҳия қалъа шаҳри — темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги», «Амир Темур ва темурийлар даври тарихи олимлари ва ёзувчилар назарида», «Нодир қўлёзмалар ҳазинасидан», «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Тошкент — ислом маданияти пойтахти», «Самарқанд дурдоналари» каби олтишга яқин кўргазма ташкил этилди.

Музейнинг ноёб экспонатлари жаҳоннинг қўллаб-қўрдошларида, хусусан, Францияда ташкил этилган «Темурийлар ренессанси», Германияда ўтказилган «Экспо-2000», Австралияда бўлган «Еркин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси» каби халқаро кўргазмаларда намоёниш қилинди.

Ушбу масканда турли илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб турилади. Бундай тадбирларнинг асосий иштирокчилари нақирон авлод вакиллари эканлиги аҳамиятлидир. Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар учун ўтказилаётган турли мавзудаги экскурсиялар, давра суҳбатлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи», «Маънавият асослари», «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанларининг Амир Темур ва темурийлар даврига оид мавзудари музейда ўтказилиши ёшларимизни Ватанга садоқат, бой тарихимиз ва аъёналаримизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2-бет

Бошланғич
ташкilotлар
партиянинг асосий таянчи

Виза бекор қилинди

Хитой ҳукумати мамлакатга кириш учун олинандиган кўп марталик-виза беришни тўхтатди. France Pressнинг хабарига кўра, бу ҳақда Гонконг ва Сингапурда ишловчи саёҳат агентликлари маълум қилган. Тахминларга кўра, ушбу чеклов 2008 йил Пекинда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада нихоясига етган, бекор қилинади.

Иқтидорлар
маскани

2006-2007 ўқув йилида бу мактабни тамомлаган 57 ўқувчидан 51 нафари олий ўқув юртлари талабаси бўлди.

Иқтидорли ёшлар — тараққиёт таянчи

Унинг илм-фанга бўлган қизиқиши Наманган вилояти Чуст туманидаги 49-мактабда таҳсил олаётган пайтдаёқ ўқувчиларининг эътиборини тортган эди. Саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Умид 2003 йили мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган фан олимпиадасида физика бўйича вилоятда биринчи ўринни қўлга киритди. Мактабни аъло баҳо-ларга туғатиб, мазкур университетга ўқишга кирди.

Университетнинг биринчи курсини яхши натижалар билан тугатган талабага телекоммуникация тармоқлари фаолиятини янада ривожлантириш ва ушбу жаҳада бошқаруви тақомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий лойиҳалар бўйича изланиш олиб бориш тавсия этилди.

У.Ниёзовнинг илмий тадқиқотлари ана шундай муҳим вази-фалардан бири — янги авлод тармоқларидан фойдаланишда бошқарув жараёнларини тақомиллаштиришга бағишланган. Унинг ўндан ортқиқ илмий-оммабоп мақолалари ҳамда турли илмий-амалий анжуманлардаги маърузалари соҳа олимлари ва мутахассислари томонидан эътироф этилаётир.

Хусусан, мамлакатимиз алоқа линияларига янги авлод тармоғи технологияларини жорий этиш-да маршрутлаштириш масалала-

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларининг ўрни тобора ортмоқда. Ушбу илғор технологиялар «сирлари»ни чуқур эгаллаш, телекоммуникация соҳасидаги янги авлод тармоқлари имкониятларини мукам-мал ўзлаштириш ва улардан жамияти-мизнинг барча жабҳаларида оқилона фойдаланиш долзарб вази-фалардандир. Бундай юмушни бажаришда мамлака-тимиз олимлари ва мутахассислари билан бир қаторда ёш тадқиқотчилар ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиб, Тошкент Ахборот технологиялари университети телекоммуникация технологиялари факультети 4-босқич талабаси Умид Ниёзов ана шундай иқтидорли ёшлардан.

ри мавзудаги илмий лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси таъинида мутахассислар томонидан юқори баҳо-ланди. У.Ниёзов бакалавр таълимининг техника ва информатика йўналиши-да Президент давлат стипендия-сига муносиб топилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат

O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

✓ **ЎзХДП ҳаёти: фикр, мулоҳаза, таклиф**

Бошланғич ташкилотлар партиянинг асосий таянчи

Жамиятшунослардан бири «бошланғич ташкилотлар сиёсий партиянинг илдирилари» дея таъриф берган эди. Дарҳақиқат, илдири қанчалик соғлом ва бақувват бўлса, партия ташкилотлари шунчалик ривожланиши, мустақил бўлади.

Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси республикаимизнинг барча ҳудудларида ўзининг 11 мингдан ортиқ қўйи бўғинларига эга. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда БПТ фаол бўлса, унинг етакчиси ташаббускор, давр руҳини тўғри англай олса, электорат манфаати йўлида турли ташаббуслар билан чиқса, партиянинг обрўси, таъсир кучи юқори бўлади.

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли Кузов механика заводида 1000 нафарга яқин ишчи-хотим меҳнат қилади. Бу ердаги БПТ олиб борган тарбия-ташвиқот ишлари, кўтарган ташаббуслари, уюштирган тадбирлари натижасида 2007 йил давомида 60 нафар ХДП аъзоси сафига яна 40 нафардан ортиқ ёшлар, хотин-қизлар қўшилди.

— Шу йил бошида умумий партия йиғилишини ўтказдик, — дейди БПТ раиси Равшан Исоқов. — Унда ташкилотимизнинг Ёшлар йиғилиши амалга оширадиган ишлари режаси тасдиқланди. Шу билан бирга, сафимиздаги хотин-қизлар БПТ қошида «Фаол аёллар» қанотини тузиш ташаббуси билан чиқди. Завод ҳудудидан Рўхиза Хайдаралиева қанотга раис этиб сайланди. Айни пайтда у йил давомида заводи аёллари ўртасида партияимиз дастурий мақсадларини турли шаклларда тарғиб этиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий, сиёсий, тиббий билимларини ошириш

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VIII пленумида ҳам бу камчиликлар алоҳида таъкидлаб ўтилди, БПТлари фаолиятини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Маълумки, бошланғич, ҳудудий ташкилотлар айнан фуқароларнинг иш, яшаш жойларида тузилди. Уларнинг етакчи ва фаоллари ҳар доим, ҳар кун одамлар орасида. Демак, кундалик ҳаётдаги муаммолар, партия электоратини ташвишлантираётган ижтимоий масалалар уларга кўпроқ аён. Ана шу масалалар фаолларимиз ташаббуси билан жойида ҳал этилса ёки қўйида юқорига кўтарилиб, кунчилик доирасида ўз ечимини топса, бу нафақат ХДП обрў-эътиборини мустаҳкамлайди, балки бундан партияимиз электорати, хайрихоҳларимиз ҳам манфаатдор бўладилар. Ёзиб бериш, БПТ жуда катта ижтимоий тахлиллар, ўрганишлар, изланишлар талаб этади. Заводимизда ҳам, электорат вакиллари, партиянинг хайрихоҳлари, оддий кишиларни ташвишга солаётган, ўзларига кундек равшан ҳудудий муаммони кўтарса ва уни ечиш йўлини таклиф этса бундан кўпчилик хурсанд бўлади, ХДПга одамларнинг ишончи ортади. Бу эса партияга одамларнинг хайрихоҳлиги кучайишига хизмат қилади.

Табиий саволлар туғилади. Ҳўш, кўнглидагидек ишламаётган айрим бошланғич ташкилотнинг нима фойдаси бор? Ҳар йили туман, шаҳар партия кенгашларининг плenumлари бўлиб ўтади. Партия ташкилотлари етакчилари, фаоллар уларда қандай долзарб масалаларни кўтараяпти? Ҳудудий муаммоларни ҳал этиш учун қандай таклифлар

айтилаяпти? Айрим бошланғич ташкилотлар етакчилари бирор бир масала юзасидан таклиф айта оладиган қобилият, салоҳиятга эгами? Ўзи умуман, БПТга етакчи этиб сайланаётганлар партия дастурий мақсадларини амалга ошириш учун жон куйдириб ишлай оладими? Асосийси, ҳар бир БПТ етакчиси ўз зиммасидаги масъулиятни англаб етаяптими, ҳис қилаяптими? Партия йиғилишларини ўтказиш ва улар кун тартибига қандай масалаларни киритиш юзасидан ХДП аъзолари билан маслаҳат қилинмоқдами?

Саволлар кўп. Улар бугун қанчалик долзарб, аҳамиятли эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Чунки пойдевор қанчалик пишиқ бўлса, бино шунча бақувват бўлади. Ҳудудий шунингдек, бошланғич ташкилотлари қанча кучли, етакчилар сиёсий, интеллектуал салоҳиятга бўлса, сиёсий куч ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. БПТ қанчалик фаол, ташаббускор бўлса, сиёсий партия ўз электорати, хайрихоҳлари, тарафдорлари орасига шунчалик чуқур кириб боради. Ҳаётнинг оддий ҳақиқати бу...

Бугун бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан кучайтириш, самарадорлигини ошириш юзасидан ёндашувларни ўзгартириш, янги усулларни қўллаш керакка ўшайди. Маҳаллий партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар фаолиятининг мониторингини олиб боришлари, тўпланган яхши тажрибаларни омдалаштиришлари лозим, деб ўйлаймиз.

Тўғри, бошланғич, ҳудудий ташкилотларга етакчилар жамоатчилик асосида сайланади. Шунинг учун БПТ раислари сайланаётганда энг аввало, номзоднинг эътиқоди мустаҳкамлиги, дунёқараши, ташаббускорлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Айни чоғда уларнинг малакасини ошириб бориш, партия кадрлар захирасини тўлдириб бериш бундай етакчилардан фойдаланиш йўллари ҳақида чуқурроқ ўйлаб қўриш вақти келди.

Бу борада фаолларимизнинг ўзлари нима дейди?

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

✓ **Муносабат**

Президентимиз Қарорини ўқиб, шу юртнинг бир фарзанди сифатида, шундай муқаддас замин, азиз ва мўътабар Ватанда яшаётганлигимдан кўксим ғурурга тўлди, билганларим, кузатганларимни айтгим келди.

Истиқлол ато этган озодлик нашидаси шарофати ила кетма-кет нишонланаётган Термизнинг 2500 йиллиги, Қарши ва Шахрисабзнинг 2700 йиллиги, Марғилоннинг 2000 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйлари шукҳи, жаҳон бўйлаб таралган жаранги ҳали қалбларимизни тарқ этмай туриб, азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигини нишонлашга қарор қилингани ўтмишимиз нақадар буюклигини яна бир бор намоён этадиган бўлди. Бундай улғу тўйлар ўзлгимизни чуқурроқ англаш ва ундан фойдаланишга ундайди, дунё ахли нигоҳини юртимизга қаратади, пойтахтимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади.

Бундай тантаналар сабаб шаҳарлар янгидан сайқал топади. Кенг миқёсда ободончилик ишлари амалга оширилади. Энг муҳими, одамлар кўнглида шу юртга дахлдорлик ҳисси, меҳр-муҳаббат туйғуси кучаяди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: **«Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беҳиссидир...»**

Ҳар бир мамлакат байроқ, герб, мадҳия... пойтахт каби ўз рамзларига эга бўлади. Балки қайсидир даврларда бу тимсолларнинг баъзи бирлари муҳим аҳамият касб этмаган бўлиши мумкин, аммо пойтахт бундан мустасно. Пойтахтлар азал-азалдан мамлакатнинг юзи, юраги бўлиб келган. Бугун ҳам бу тамойил ўзгарган эмас.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент юртимиз дарвозаси ҳисобланади. Унга боқиб туриб, бутун Ўзбекистон ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унинг бугуни ва эртаси ҳақида фикр юритиш мумкин. Тарихи минг йилларга бориб тақаладиган меъморий обидаларидан тортиб, энг замонавий муҳташам биноларгача пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб,

Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Темирийлар тарихи давлат музейи унинг ўтмишидан сўзлайди.

Ҳа, Тошкент ўтмиш ва келажак ўртасидаги олтин кўприқдир.

Тошкент — Ватанимизнинг муқаддас оstonаси. Юртимизга ер юзининг турли бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонлар, миллионлаб сайёҳлар унинг жамолига, ундаги

соли Беҳишт боғларини кўргандек бўлади, деганида минг бора ҳақ эди.

Бугун номлари бутун ислом оламига машҳур Имом Кафол Шойиш, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота ва Қўйилк ота сингари боболаримиз номини ҳар биримиз фахр билан тилга оламиз.

Ҳазрати Имом(Хастимом) мажмуасида амалга оширилган кенг қўлмали бунёдкорлик ишлари шу заминда ётган барча муборак зотлар руҳини шод этиши билан бирга, кўнглимизда иймон нурини янада нурафшон бўлишига хизмат қилмоқда.

Бугун 2200 йиллик шаҳар-созлик маданиятига эга бошланғич пойтахтимиз кундан-кунга яшариб, чирой очиб бормоқда. У чин маънода маданият, илму фан ўчоғи ҳамдир. Бугун бу ерда Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтлари, қўллаб-қувватловчи марказлар, театрлар, ижодий ташкилотлар, санъат саройлари фаолият кўрсатмоқда.

2009 йил — юбилейга қадар яна қўллаб-қувватловчи йўллар, замонавий кўприклар билан бирга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси, Болалар ижодий-таълим маркази, Тошкент ислом университети янги ўқув корпуси... қўллаб-қувватловчи истиклол иморатлари барпо этилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда яна бир гап, Тошкентдаги асосий ўзгаришлар ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган эди. Шундан бери ўтган 17 йил давомида Тошкент том маънода шаҳарларимиз сарварига айланди. Юбилей муносабати билан эса бу бошланган эзгу ишлар янада юксалиши табиий.

Бугун Тошкент чин маънода ёшлар шаҳридир. Ундаги нафосат, гўзаллик, ҳўшқинлик айни шу сабабдан бўлса, не ажаб. Ўзбекистондаги энг қўп, яъни 31 та олий ўқув юрти, 30 та академик лицей, 51 та касб-ҳунар коллежи бутун мамлакатимиз ёшларини ўз қучоғига қоплайди. Мустақиллик унга чин маънода ёшлик маркази мақомини берди. Сўнгги йилларда биргина «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг ўзига амалга оширилган ибратли ишлар замирида ҳам юқоридаги эътирофлар исботини қўриш мумкин.

Мен Ўзбекистон ёшларининг бир вақили сифатида буни чин дилимдан ҳис этаман, шу юртнинг фарзанди эканимдан фойдаланаман ва унга муносиб бўлишга интиламан.

Жасур ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети магистри

ТАРИХ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Музейга келаётган ватандошларимиз ва хорижлик меҳмонлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Музей маъмурияти маълумотларига кўра, бу масканга турли давлатлардан 500 дан ортиқ расмий делегация ташриф буюрган.

Ўтган йилда доимида ўтган БМТ, ЮНЕСКО, ШХТ, МДХ, ЕХТТ, НАТО сингари халқаро ва минтақавий ташкилотлар, ЕТБ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби махсус тузилмаларнинг вакиллари, элликдан ортиқ мамлакатдан давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, парламент делегациялари, дипломатлар, ишбилармонлар, маданият ва санъат намояндлари ҳамда бошқа соҳа вакиллари зиёратда бўлгани жаҳонда бой маданиятимиз ва тарихимизга қизиқиш ва эътиром юксалигидан яна бир далолатдир. Музей заллари зиёратчилар —

ўқувчилар, талабалар, отахону онахонлар, хорижий сайёҳлар билан ҳамма ҳам.

— Музей экспонатлари билан танишар эканман, не буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни янада чуқурроқ ҳис этдим, — дейди Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси, Отабек Эргашев. — Биз, ёшлар бобимиз Амир Темур каби заковату куч-қудратда тенгсиз аждодларимизга муносиб авлод бўлишимиз лозим.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигидея барпо этилган бу даргоҳ истиклол шарофати билан тикланган тарихий ҳақиқат тантанасининг олий наларнинг авлоди эканлигимизни моёни бўлиши билан бирга, бой тарихимиз ва буюк келажгимизни боғловчи маънавий ришта, озод Ватанимизнинг, куч-қудратимиз ва эзгу мақсадларимизнинг гўзал рамзи ҳамдир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Фаол фуқаролик позицияси

шаклланмаган жойда партия устав фаолияти самарадорлигига эришиб бўлмайди, дея таъкидланди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг пленумида

Пленумда айнан ана шу масалага уруғ берилгани беҳиз эмас. Чунки мамлакатимизда шу йилнинг бошидан амал қила бошлаган Конституциявий қонун сиёсий партиялар ўз электорати манфаатлари йўлидаги дастурий мақсадларини амалга ошириш учун янги имкониятлар яратган бўлса-да, баъзи қўйи бўғинларида ҳали ҳам жонланиш сезилмапти.

— Гарчи кейинги пайтларда иш услубимизни ўзгартирган, электоратимизга кўпроқ қўйи бўлишга интилаётган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий фаолиятимиздан асло қониқиб ҳосил қилолмаймиз, — деди вилоят партия кенгаши раиси

Саида Жўраева. — Бугунги янги ижтимоий-сиёсий вазият барча ташкилотларимиз, депутатлик гуруҳларимиз, ҳар биримиздан фаол фуқаролик позицияси ва етакчилик сифатларини амалда намоён этишни талаб қилаётди.

— Партия кенгашимиз раисининг қўнғонига жон бор, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Қаҳрамон Бекмуродов. — Партияда сайланган депутатларимиз гуруҳида электоратни ташвишга солаётган энг муҳим муаммоларни сессияларга олиб чиқишда ташаббускорлик етишмапти. Ҳолбуки, Конституциявий қонун кенгай-

тирган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда, депутатлик гуруҳларимиз устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишда зим-мадаги муҳим масъулиятни ҳар қандамда ҳис этиши зарур.

Пленумда Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти, мафкуравий йўналишдаги, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашдаги ютуқ ва камчиликлар айтилиб, уларнинг бартараф этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Қоровулбозор, Когон, Ромитан, Жондор, Пешку, Қорақўл, Бухоро, Ғижувон каби туман партия кенгашларида Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти сустиги, партия аъзолари сафини ўстириш,

Мамакатимизда ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, идора ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ишлари тобора такомиллашиб бормоқда.

«Фарғона электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти ҳам истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Қува туман электр тармоқлари жамияти тизимдаги илгор корхоналардан бири. Бу ерда 32 минг 389 миҳозга хизмат кўрсатилмоқда.

Корхонада нимстанцияларни таъмирлаш чеҳи ташкил ҳам этилган. Вилоятда ягона бўлган бу чеҳда трансформатор мойлари тозаланмади. Бу юмушни шу ерда меҳнат қилаётган электр муҳандислари бажармоқда.

Суратда: (чапдан) туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Равшанбек Раҳимов, диспетчерлик хизмати ва тезкор таъмирлаш электромонтёрлари Зоиржон Латипов ва Мукторали Мирзаев.

Таъминотда узилиш бўлмайди



Ш.Олимов (ЎА) олган сурат

✓ **Ободлик**

Марказий бозорнинг янги қиёфаси

Қорақалпоғистон диёрининг гавҳари, дея таъриф олган Нукус шаҳри мустақиллик йилларида янги-янги корхоналар, муҳташам иморатлар, мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, замонавий мактаблар, мустаҳкам кўприклар, ҳавас қилгулик темир йўл ва ҳаво дарвозалари, маданият ва истироҳат боғлари билан бетакдор кўрк-тароват очди. Қўчаларда, хиёбонларда кенг қўлмали ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиди. Навбат — шаҳардаги Марказий бозор таъмирига келганди...

700 ўринли бозор майдони, ёпиқ бозор ва 2 та тим мураккаб реконструкциядан чиқди. Уларда сотувчилар учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам барча қўлайликлар яратилди.

— Мана, энди бозоримизга ҳавас қилса арзийди, — дейди қувонч билан бозор бошқаруви раиси Асон Аҳмедов. — Бу ерга келган истеъмолчилар учун нима керак бўлса ҳамма нарсаси бор: сабзавот, мева, узум, картошка, гўшт, сут-қатик, гуруч, кийим-кечак бисёр... Пулиқ хизмат ва иҳара тўловлари топшириқларини ой сайин ошири билан бажариб келяпмиз. Бозорда олиб борилган ободонлаштириш ишларини рисоладигидек амалга оширган бунёдкорлар — «Обод макон» қурилиш корхонаси қурувчилари (раҳбари М.Қўназаров)дан гоят хурсандимиз...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	1187,12	1 Польша злотийси	583,67
1 Англия фунт стерлинги	2586,31	1 СДР	2131,39
1 Дания кронаси	273,99	1 Туркия лираси	997,86
1 БАА дирҳами	354,51	1 Швейцария франки	1294,43
1 АКШ доллари	1301,81	1 ЕВРО	2042,41
1 Миср фунти	239,33	10 Жанубий Корея воени	13,28
1 Испания кронаси	17,11	10 Япония йенаси	128,42
1 Канада доллари	1279,04	1 Россия рубли	55,22
1 Хитой юани	185,57	1 Украина гривнаси	57,78
1 Малайзия ринггити	408,37		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Сессия иш бошлади

Кимёвий қуролни тақиқлаш ташкилотига аъзо давлатларнинг иккинчи махсус сессияси душанба кўни Гаага шаҳрида иш бошлади, деб хабар беради «РИА Новости». Сессияда кимёвий қуролни тақиқлаш Конвенциясига сўнгги беш йил мобайнида қай даражада амал қилинганлиги муҳокама этилади. Ҳозирда Конвенцияни ер юзининг 98 фоиз аҳолиси яшайдиган 183 та давлат ратификация қилган. Қолган 12 давлат имзо чекмаган ёхуд ратификация қилмаган. Улар орасида Сурия, Миср, Исроил ва Шимолий Корея ҳам бор. 18 апрелгача дароматидан ушбу конференция қар беш йилда ўтказилади.

Кимёвий қуролни тақиқлаш Конвенцияси бир қатор оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишни мақсад қилган дунёдаги ягона халқаро битим ҳисобланади. У 1997 йил 29 апрелда қўлга кирган. Ташкилот директори Рохелио Пфиртеронинг айтишича, қайин орада ташкилотга Ироқ ва Ливан аъзо бўлади. Ташкилот фаолияти туфайли олти давлатга қарашли 70 минг тонна кимёвий қуролларнинг 37 фоизи йўқ қилинди. Уларнинг қолган қисми эса 2012 йилнинг 29 апрелигача йўқ қилиниши керак. 12 давлатга қарашли бўлган 654 та кимёвий қурол ишлаб чиқариш объектида мазкур қуролни ишлаб чиқариш тўхтатилган.

Европа кенгаши конференцияси очилди

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, Францияда Европа кенгаши конференцияси очилди. Анжуманни ўтказишдан қўзғалган асосий мақсад алектрон жиноятчиликка қарши кураш масалаларини муҳокама қилишдан иборат.

Талабалар овоз эитилди

Ироқ шимолидаги Мосула шаҳрида қўлга олинган 42 нафар талабанинг бари овоз қилинди, деб хабар беради АР. Ироқ армияси вакилларининг айтишича, жангарилар бошида икки нафар талаба қизни қўйиб юборган. Талабаларнинг хавфсизлик хизмати ходимлари эмаслигига ишон ҳосил қилган жангарилар қолган 40 нафар талабани ҳам қўйиб юборган.

Эслатиб ўтамиз, жангарилар автобусда кетган талабаларни қўлга олиш ҳаракатида уч нафар талаба жароҳатланган эди.

Вуянович голиб бўлди

Социалистларнинг Демократик партияси раҳбари ва Черногориянинг амалдаги президенти Филип Вуянович яшанба кўни бўлиб ўтган президентлик сайловида 52,3 фоиз овоз билан голиб бўлди. «РИА Новости» хабарига кўра, мониторинг марказидаги социологларнинг ҳулосаси сайлов комиссиясининг расмий маълумотидан деярли фарқ қилмади. Бу натижа Вуяновичга иккинчи босқич сайловсиз иккинчи марта президентлик мандатини олишига йўл очди. Унинг асосий рақиб «Серб рўйхати» партиясининг раҳбари Андрий Мандич 19,3, «Ўзгаришларга ҳаракат» партия етакчиси Небойша Медоевич 17,3, «Социалистик халқ партияси» раҳбари Сржан Милич эса 11,1 фоиз овоз олди. Сайловчиларнинг 68 фоизи сайловда иштирок этди. Беш мингга яқин бюллетенлар эса қўлга эга эмас деб топилди.

Вуянович ўз тарафдорларига Черногорияни Европа Иттифоқига аъзо қилиш ва фуқаролар ҳаётини яхшилашга ваъда берди. Мандич эса оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида иккинчи ўрин-

ни эгаллашни билгани, аммо иккинчи босқич сайлови ўтказилишига умид боғлаганини айтди. Мағлуб бўлган уч номзод ўз мағлубиятини тан олди.



Эслатиб ўтмиз, Черногорияда сайловчиларнинг референдумда иштирок этиш фойизи ҳисобга олинмади. Яъни ўта оз сондаги сайловчилар билан ҳам сайлов ўтказилмади. Мамлакат аҳолиси 690 минг кишидан иборат бўлса, сайловда уларнинг 490 мингтаси иштирок этган. Президент беш йилга сайланади. Бир киши икки мартаба бу лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Музокара янгиланди



21 март Кипр Республикасининг президенти Деметрис Христосиас ва тан олинмаган Шимолий Кипр Турк Республикасининг раҳбари Мехмет Али Талат оролининг бирлашиши борасидаги музокараларни бошлашга келишиб олди. Музокаралар икки ойдан кейин бошланади. Ярашиш ва бирлашишнинг раъми сифатида турк ва грек секторлари орасида Никосия Ледру деб номланган қўшни ташкил этиш ҳақида қарор қабул

қилинди. Греция матбуоти Христосиас ва Талатнинг учрашуви «баҳорги дарча» деб атаган. Европа Иттифоқи бу қўшничи очилишига 100 минг евро ажратган. Шаҳарга ҳеч қимга қарашли бўлмаган ҳудудни миналардан тозалаш учун БМТнинг сапёрлар гуруҳи келди. Бундан ташқари у ерда ҳароб аҳволда бўлган уйлар таъмирдан чиқарилмоқда.

Шу вақтгача июнда бўлиб ўтадиган музокараларнинг қай тартибда ташкил этилиши келишиб олингани йўқ. Турк-киприликлар Коффи Аннаннинг режасини асос қилиб олишни истаётган бўлса, Христосиас буни истамапти: унинг тарафдорлари ушбу режага қарши чиқиб, шимолнинг ён беришини қўймоқда.

Томонларнинг яхши ният билан бир неча бор бошланган, аммо низоҳасига етмаган ҳаракатлари бу сафар ижобий натижа бериш-бермаслигини вақт кўрсатади.

Қор туфайли

Яшанба кўни British Airways компаниясига қарашли Хитроу аэропортидаги 120 дан ортиқ рейслар бекор қилинди. Бу сафар аэропорт фаолияти тўхтаб қолишига қўшничи қўйиб сабаб бўлган, дейди The Times Online. Учин ва қўшничи майдонларини қордан тозалаш мушкуллашгани сабабли аэропорт самолёт қатновини чеклашга мажбур бўлган. Яшанба кўни эрталаб бошланган ва мавсумга хос бўлмаган қўшничи қор синоптикларнинг фикрича, бир неча кун давом этади. Аввал янги аэропортнинг ишлаш тизимидаги носолиқлар туфайли British Airways 16 миллион фунт стерлинг зарар кўрганди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 11 декабрдаги 03-26-139 сонли топшириғига мувофиқ ташкил этилган Кўнчилик ва пойабзал саноати корхоналари учун инвесторлар ва бошқарувчи компанияларни танлаш бўйича ишчи гуруҳ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредитлар бўйича қарзларни сўндириш ҳисобига балансга қабул қилинган қўйидаги мол-мулкни сотиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мол-мулк номи	Қаерда жойлашгани	Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти	Лойиҳавий қуввати
Терини қайта ишлаш ва куртқалар ҳамда дублэнқалар тикиш учун мўлжалланган, Туркияда ишлаб чиқарилган усқуналар, бино ва иншоотлари билан бирга («Қасмир-Дери» ҚҚ)	Наманган вилояти, Косонсой тумани	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш ҳамда чарм куртқалар ва дублэнқалар тикиш	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилига 300,0 мингта, чарм куртқалар ва дублэнқалар тикиш — йилига 50,0 мингта
Терини қайта ишлаш усқуналари, Туркияда ишлаб чиқарилган, бино ва иншоотлари билан бирга («Семурге Санте» ҚҚ)	Хоразм вилояти, Шовот тумани, Хитой посёлқаси	Қорамол ва қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш	Қорамол терисини қайта ишлаш — йилига 70,0 мингта, қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилига 100,0 мингта.
Пойабзал ишлаб чиқариш усқуналари, Италияда ишлаб чиқарилган, «Хоразмпойабзали» ОТАЖнинг Урганч филиалига қарашли бино ва иншоотлар билан бирга («Даритал» ҚҚ)	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Фаёзов кўчаси, 3.	Пойабзал ишлаб чиқариш	Йилига 810000 жуфт пойабзал
Пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар. Усқуналар йўқ. («Хоразмпойабзали» ОТАЖнинг Гурлан филиали)	Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Манғит кўчаси, 5.	Пойабзал ишлаб чиқариш	
Пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар. Усқуналар йўқ. («Хоразмпойабзали» ОТАЖнинг Хонқа филиали)	Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Сарьян к/к, 1-бригада	Пойабзал ишлаб чиқариш	

Танловда Ўзбекистон Республикасининг қўнун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган резидент юридик шахслар ва ёки хорижий қўнун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳамда танлов савдоларида иштирок этиш ёки кўнчилик ва пойабзал саноати соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бундай корхоналарни бошқариш фаолияти билан шуғулланиш тақиқланмаган норезидент юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Давъогарлик қилувчи корхоналар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари керак, жумладан:

1. Юқорида кўрсатилган мулкйй комплекс (мол-мулкни сотиб олишни истовчи инвесторлар қўйидаги тартибни тақдир этишлари зурур:

- кўнчилик, пойабзал ёки бошқа ишлаб чиқаришдаги иш тажрибаси;
- илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳалари;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда корхонани сотиб олиш имконини берувчи барқарор молиявий аҳвол.

2. Танловда қатнашиш истагини билдирган инвесторлар олдида қўйидаги умумий талаблар қўйилади:

- танлов объектини сотиш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин икки ойдан кечикмай ишга киришишга тайёрлик.

3. Қўйидаги корхоналар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

- тугатиш ёки банкротлик босқичида турган корхоналар;

— бюджетга ажратмалар, уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарзи ва банк кредити бўйича муддати ўтган қарзи бор корхоналар.

Давъогарлар танлов ҳужжатларини, шунингдек, танловни ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги батафсил қўшимча ахборотни 2008 йил 4 апрелдан бошлаб танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунча ҳар кўни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Танлов ташкилотчисининг қўйидаги манзилида олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 6-уй. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси Абдуллаева Эркиной.

Телефонлар: 254-65-60, 255-73-34, 255-75-86. Танлов ташкилотчиси танлов таклифларини қабул қиладиган охириги муддат: 2008 йил 7 май кўни соат 18.00 гача.

Танлов таклифлари улар қабул қилиб бўлинганидан кейин 10 кўн мобайнида очилади.

Таълим ва ислоҳот

Мамлакатимизда ўсиб келатган ёш авлод қамолоти йўлида ҳукуматимиз томонидан беқисс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши келажакимиз давомчилири учун яна бир қарра имкониятлар зшигини очиб, уларнинг ўз интеллектуал салоҳиятларини янада кенгрок намён ётишларига шароит яратди. Замонавий — ҳавас қўлса арзигулик коллежу олий ўқув юртиларида ёшларнинг билим олиши, танлаган ва севган касбини пухта эгаллаши учун барча қўлайликлар яратилганлигини айтмаймизми?

Ана шундай коллежлардан бири Хожа Абдуллохик Фиждудовний ватанида фаолият кўрсатиб келяпти. — Билим масканимизда малакали тиббиёт ходимлари тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди, ЎзДП фаоли Мурод Мухторов. — Хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик туфайли кўпгина замонавий жиҳозлар, тиббиёт асбоб-усқуналарига эга бўлди. Бунда бизга Япониянинг «Жайко» фирмаси, айниқса бегараз қўмак бераётир. Ана шу ёрдам эвазига ҳамширалик ва акушерлик иш фанлари бўйича барча керакли қўланма ҳамда жиҳозларга бўлган эътиёжмиз тўла қондирилди.

Фиждудовнда шундай коллеж бор унда малакали тиббиёт ходимлари тайёрланади



Коллежда ҳозир 1870 нафар талаба акушерлик, ҳамширалик иши, стоматология йўналишлари бўйича тахсил олишпти. 37 та ўқув хонаси, 2 та компьютер, 5 та лингафон хонаси, ахборот-

ресурс маркази, интернет тармоғи талабалар ихтиёрига бериб қўйилган. Икки нафар номзоди, 18 нафар олий, 21 нафар биринчи тоифали ўқувчи ҳамда лаборантлар талабалар-

га барча йўналишлар бўйича пухта билим бермоқдалар. Ёшларнинг бўш вақтларини намунали ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Наврўз, Мустақиллик байрам-

лари, Тиббиёт ходимлари кўнида «Балли, қизлар!» кўрик-танлови, ҳар хил кўнгилочар тадбирлар ўтказилади, баҳс-мунозаралар уюштирилади.

— Бу ерда ўқишни мактабдаёқ орзу қилганим, — дейди самарқандлик талаба Сурайё Пардаева. — Чунки бу маскандаги интизом, талабчанлик, ўқувчиларнинг юқори малакага эга эканлигини ҳамқўшқўларимдан эшитганим. Мана, орзуимга эришдим. Ҳозир ҳамширалик иши йўналишида ўқуялман. Амалвотни туманинг энг яхши шифохоналарида ўтказамиз.

— Ҳар йили 500 дан зиёд йигит-қиз қўйида диплом олади, — дейди коллеж директори муовини Зебо Абдуллаева. — Улар Навоий ва Бухоро вилоятларидаги тиббиёт масканларида ишламоқдалар. Биз тайёрлаётган кадрларга талаб кўн сайин ошаётгани қўноварлидир. Демак, меҳнатимиз самарасиз кетмаяпти.

Дарвоқе, коллежда бўлган кўнумиз очик дарс устидан чиқдик.

— Бундай дарслар, — дейди ўқувчи, касб-хўнар таълими аълочиси Мурод Қодиров, — ҳар бир ўқувчининг масъулиятини оширибгина қўлмай, балки таълим-тарбия сифатини ҳам янада яхшилашишга хизмат қиладди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти Зарбдор пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти

қўйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Зарбдор пахта тозалаш заводини модернизация қилиш»

Ишларни молиялаштириш «Зарбдор пахта тозалаш» ОАЖ маблағлари ва кредит ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Шарқ юлдузи» СФУ.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни баҳариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси —

Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича муурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўптам танлов ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кўндан кейин юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Баркамол авлод орзуси

Иқтидорлар маскани

2006-2007 ўқув йилида бу мактабни тамомлаган
57 ўқувчидан 51 нафари олий ўқув юртлари талабаси бўлди

Китоб туманидаги табиий фанларга ихтисослашган 1-мактаб мустақиллик йилларида ташкил этилган бўлиб, мана саккиз йилдирки, иқтидорларни кашф этиб келмоқда. Шу ўринда айрим мисолларни келтирсак. Мактабда тахсил олган Жалил Узоқов икки йил аввал Ереванда ўтказилган халқаро олимпиадада иштирок этиб, кимё фанидан голибликни қўлга киритди. Кейин Тошкент тиббиёт академиясига имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилинди. Ёш математик Бахриддин Абдиев эса ўтган йили Вьетнамдаги олимпиадада ўзбек ёшларининг билим ва савияси ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлади. Айни пайтда Бахриддин тахсилни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида давом эттирмоқда. Бу каби ютуқлар юртимизда иқтидорли ёшларга кенг йўл очилгани ва таълим соҳасидаги ислохотлар ўз самарасини бераётганлигидан далолат, албатта.

— Биласизми, илгарилари ҳам фарзандининг келажагини ўйлаган ота-оналарга кимдир «фалон мактабда яхши ўқитувчи бор экан» деса, боласини ўша даргоҳга етаклаб боришган, — дейди Бахриддиннинг бобоси — туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги «Ёш муаллимлар маҳорат мактаби» раҳбари Бурҳон Абдиев. — Бироқ шўро таълим тизими иқтидорли болалар билан алоҳида ишлаш имконини бермасди. Синфдан ташқари тўғрақлар номига фаолият кўрсатарди, холос. Истиқлол туфайли юртимизда таълим тизими юксак поғонага кўтарилди.

Айни пайтда 298 нафар ўқувчига 27 нафар ўқитувчи таълим бераётган ушбу мактаб 2006 йилда «Йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танловига иштирок этиб, иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, 2006-2007 ўқув йилида бу мактабни тамомлаган 57 нафар ўқувчининг 51 нафари олий ўқув юртлари талабаси бўлди. Хўш, бу каби ютуқларнинг сири нимада?

— Аввало, бу муваффақиятларимизнинг замирида юртимизда таълимга кўрсатилаётган юксак эътибор ётибди, — дейди мактаб директори Хабиба Хидирова. — Шунга яраша биз ҳам ҳаракат қилаемиз. Аслида, истеъдодсиз боланинг ўзи йўқ. Фақатгина боладаги иқтидор учқунини пайкай олиш ва уни тўғри йўналтириш керак. Бизда бунинг учун барча имкониятлар етарли. Ўқувчиларимизнинг ўз вақтида таълим олиб, маданият ҳордиқ қиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Катта кутубхона, 100 ўринли тоғона, спорт зали, ошхона ўқувчилар ихтиёрида...



— Биз ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб вояга етишимиз учун Шогирдларимнинг ютуқларидан қувонаман. Уларга қараб, умрим зое кетмаётганини, қилаётган меҳнатларим бесамар бўлмаётганидан кўнглим тўлади...

Дарҳақиқат, устоз учун шогирд муваффақиятлари билан фахрланиш энг олий туйғу. Биз ушбу мактаб, унинг бир-биридан фидойи ўқитувчилари, иқтидорли ўқувчилари тимсолида мамлакатимизнинг эртанги ёруғ кунларини кўргандек бўлди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратда: (ўртада) мактаб директори Хабиба Хидирова ва математика фани ўқитувчиси Бахтиёр Абдиев шогирдлари даврасида.

Тиббиёт



Донотул Жўраева олган сурат

Бехатар оналик ва соғлом болалик

— Бугун Юртбошимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимига кенг қўллади ислохотлар олиб боришмоқда, — дейди республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Жиззах филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Нуриддин Шодмонов. — Айниқса, мамлакатимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳар қандай эътирофга лойиқ. Марказимиз 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир бизда 165 нафар хотин-қизга замона талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мав-

жуд. 320 нафар малакали шифокоримиз виллят аҳолиси, хусусан, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ўсмир қизларга, туғиш ёшидаги аёлларга юқори малакали даволаш-профилактика хизматлари кўрсатиш, шаҳар ва туманлардаги бирламчи тиббиёт муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, илмий изланишлар ўтказиб, натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширишмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзига бу ерда олдинги йилдагига нисбатан 790 та кўп, яъни 3976 та туғруқ қайд этилди. Муҳими, уларнинг тўлиқ бехатар ўтиши ва юзлаб оилаларда соғлом фарзандларнинг дунёга келишига эришилди.

Биринчи фарзандим шу даргоҳда туғилди, — дейди Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Жаҳонгир Қобулов. — Тўғри, дастлаб бироз ҳаяжонлангандик. Лекин ҳаммаси яхши бўлди. Ҳозир қизалоғим ҳам, онаси ҳам соғ-саломат. Бунинг учун қўли енгил, билимдон, кўнгиллари халатларидай пок шифокорлардан миннатдорман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: шифокор Хабиба Орипова (ўртада) билан ҳамшира Кумушой Очиловалар эгизакларнинг онаси Гулнора Ориповани қутлашмоқда.

«Турон» тантаналарга шайланмоқда

Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида шу йил май ойида Қорақалпоғистон Республикасида ўтказиладиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг мамлакат босқичига қизгин тайёргарлик кўрилимоқда.

Мусобақаларда Тошкент шаҳри ва барча виллятлардан 3 минг нафар йигит-қиз спортнинг 12 тури бўйича беллашади. Спорт байрамнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган «Турон» стадионида олиб борилаётган капитал реконструкция ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда бир милли-

ард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилган бўлиб, айни кунларда 300 нафар қурувчи самарали меҳнат қилмоқда. Стадионда пардозлаш ишлари жадал давом этмоқда.

— Стадион мусобақа очилишига қадар тўлиқ тайёр ҳолга келтирилади, — дейди «Инжиниринг компанияси» директори ўринбосари Зиёдбой Бабақов. — 12 минг томошабин учун махсус ўриндиқлар ўрнатилади; югуриш йўлакларини, ўйин майдонига сунъий қоплама тўшалмоқда.

А.ОРИҚБОВ,
ЎЗА мухбири

Тадбир

Иқлим ўзгариши ва ёшлар ҳамкорлиги

Сайёрамизда глобал иссиқ жараёни давом этаётган. Маълумки, сўнгги юз йилликда ер юзидида ҳарорат ўртача 0,74 даражага кўтарилди, асиримизнинг охирига бориб ҳарорат 1,4° С дан 4 даражагача ошди, дунё денгизлари сатҳи 19-58 сантиметрга баландлашди мумкин. Бинобарин, иқлим ўзгариши биохимия-хилликка, унинг таркибий бўлаги бўлган инсон саломатлигига таъсир ўтказиши, табиий.

Дунё олимлари иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш, унинг оқибатларини юмшатиш ва мослаштириш чораларини кўриш йўналишларида иш олиб бориш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Ҳозирги кунга келиб ер юзи аҳолисининг ярмини 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Юртимиз аҳолисининг эса 64 фоизи ёшлардан иборат. Зеро, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш жараёнида уларнинг фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошкент давлат юридик институтида «Экосан» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда «Иқлим ўзгариши: ёшлар ташаббуслари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда ёш экологлар, республикамиз олий ўқув юртларининг талаба ва магистрантлари, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар иштирок этиди.

Футбол

Хабарингиз бор, шу йилнинг 1-18 ноябрь кунлари Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичи ўтказилди. Кун кеча Даммам шаҳрида қўшамизнинг мазкур нуфузли мусобақасига қўша ташланди.

Таниш рақиблар

Осиёнинг ўн олтига энг кучли терма жамоаси қатнашадиган чемпионатда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлари «Д» гуруҳида тўп сурадиган бўлишди. Гуруҳда ҳамюртларимиз кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Иордания, Австралия ҳамда Таиланд футболчилари билан куч сынашди.

Мусобақанинг қолган гуруҳлари куйидагича кўриниш олган:

«А» гуруҳи. Япония, Саудия Арабистони, Эрон, Яман

«В» гуруҳи. Жанубий Корея, Ироқ, Бирлашган Араб Амириклари, Сурия

«С» гуруҳи. КХДР, Хитой, Тожикистон, Ливан.

Эслаб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўтган йилнинг октябрида Тошкентда ўтган гуруҳ саралаш баҳсларида иорданиялик тенгдошларига қарши майдонга ту-

шиб, 1:0 ҳисобида зафар қучишганди.

Осиё чемпионати финал босқичи голиб ва совриндорлари келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма олади. Ёдингизда бўлса, 2003 йилда Бирлашган Араб Амирикларида ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида Виктор Борисов бош мураббийлик қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси илк маротаба иштирок этганди.

Осиё чемпионати лигаси баҳсларининг учинчи тур уйинлари бўлиб ўтади. Мусобақанинг «А» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси сафарда Суриянинг «Ал-Иттиҳод» (Алеппо) футболчилари меҳмони бўлади. Миржалол Қосимов шогирдлари гарчи дастлабки турда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоасига (0:1) имкониятни бой беришган бўлсалар-да, иккинчи ўйинда Эроннинг «Сепан» футболчилари устидан 2:0 ҳисобида ишончли ғалаба қозонишганди.

Мусобақанинг «Д» гуруҳида тўп сураётган пахтакорчилар ўтган турда Доҳада «Ал-Гарафа» жамоаси билан (2:2) дураг уйнашганди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари бу ғал ўз майдонларида Ироқнинг «Арбил» футболчиларига қарши майдонга чиқадилар.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

йиғма-ажралувчи 2 ярусли темир кроватларни ва коллектив ювиниш жиҳоз (умывальник)ларини тайёрлаш ва харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тақлифлар 20 кун давомида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3
Тел: 120-76-00, ички 26-05.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ПГС»

Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси

қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

❖ электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
❖ электр калорифер-иситгичлар (маиший қуввати — 1, 8 кВт);
❖ минч нововойончалар (ишлаб чиқариш қуввати — соатиға 64 та буханка нон);

❖ электр қозонлар (қўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
❖ кабоб пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший) — 1,7 - 6 кВт;
❖ сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.



Буюртмаларни қуйидаги манзилга:
Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 125-уй,
электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки
тел/факс: 279-38-54 орқали юбориш мумкин.
Махсус сертификатланган.



Жиҳозлар Давлат ёғинига қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга қабул этилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 25 июнда 150-сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «AUDIT-IT» хусусий аудиторлиқ ташкилоти ТУГАТИЛАДИ.

Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши республика Рассомчилик коллежи раҳбари, партия фойли Х.Аминовга волидан муқтарамаси РАХИМА аянинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Nomo SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 233-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO'ZIEV

Gazeta «O'zbekiston aksiyadorlik kompaniyasi markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sibirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahtiriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 349
12869 nusxada bosildi
t — Tjorat materiallari
O'za yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda